

ЭРКИН ВОХИДОВ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИНГ БАДИЙ ИФОДАСИ

С.Матякупов – филология фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: индивидуаллик, бадий ифода, образлилик, бадий тафаккур, фалсафий талқин.

Ключевые слова: индивидуальность, художественная интерпретация, образность, художественная идея, философское толкование.

Key words: individuality, literary interpretation, literary idea, imagery, philosophic interpretation.

Инсонни маънавий баркамол, ватанпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашда бадий адабиётнинг роли бекиёсдир. Зеро, маънавият ва маърифат, инсонпарварлик, истиқлол ва эркинлик ҳамда иқтисод тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, бутун башариятга хос кадриятларни улуғлаган, инсон тақдири ва унинг орзу-истакларини тараннум этиб келаётган бадий адабиёт фақат маънавият учунгина эмас, балки ҳаётнинг барча жабҳалари учун хизмат қилади. Чунки ҳар бир асарда ифодаланган мақсад ва ғоя, албатта, ўқувчига муайян бир маънода ўз таъсирини ўтказади, асар мазмунидан ўзига тегишли хулоса чиқаришга чорлайди. Чунки, ҳар қандай бадий асарда, хусусан, шеъриятда ҳам маълум бир ҳаётий ҳақиқат ўз аксини топади. Зеро, «Ҳар бир лирик жанр бадий ижод оламида ўзининг ғоявий-бадий вазифаси билан тугилади. Акс ҳолда жанр хилма-хиллиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Одатда, шеър ҳаётий зарурият, маънавий-рухий эҳтиёждан дунёга келади. Жанр категорияси ана шу эҳтиёж ва заруратнинг турли тарзда шаклланиши, шаклга муносиб мазмун, мазмунга муносиб шакл ҳолида кўринишидир» [6:287].

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ижодида инсон маънавий оламининг турли кўринишлари акс эттирилган ҳар хил жанр ва мавзулардаги шеърларни учратамиз. Маълумки, шоир кўпгина шеър шаклларда ижод қилган ҳолда аруз ва бармоқ вазнида ҳам ўз маҳоратини намоен эта олди. Шоир қаламига мансуб барча шеърларда ватанпарварлик, умуминсонийлик, миллий кадриятларни улуғлаш ғоялари ҳамда ўқувчига ҳаётни чурроқ таҳлил қилиш, берилган умр моҳиятини англаш каби ғоялар етакчилик қилади.

Бош тебратар соат кафгири,
Дер: кадримни билмас одамлар.
Секундларим гавҳар ҳар бири,
Нега парво қилмас одамлар?!
Бош тебратар соат кафгири,
Шошил, одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебрати қолма сўнг, инсон! [1:287].

«Бош тебратар соат кафгири» деб номланган мазкур шеърда шоир инсонларга ўз умрининг моҳиятига теран назар солишга, бепарво бўлмасликка чақириб хатто ўтаётган ҳар бир сония («Секундларим гавҳар»)нинг кадрига етиш лозимлигини моҳирона акс эттирган. Юқоридаги сатрларда ижодкорнинг бадий ғояси шу қадар аниқ ва равшан ифодаланган, уни ортикча сўзлар билан изоҳлашга ҳолат қолмайди. Бу ҳолат шеъриятнинг жозибасидан, шоирнинг юксак

бадий маҳоратидан ҳамда ҳаётни теран англашидан далолат беради.

Адабиётшунос олим Д.Қуронов таъбири билан айтганда «Шеър насрий асардан кўра кучлироқ эстетик таъсир этиб, ўзига хос завқ бера олиши билан ажралиб туради. Албатта, шеърнинг бу сифати унда ҳис-туйғунинг мос ритм, мусикий оҳангда ифодаланиши билан ҳам боғлиқ. Бироқ шеърнинг таъсир кучи биргина оҳангдорлик билан таъминланмайди. Шеър ҳис-туйғу ифодаси экан, унинг таъсири кўп жихатдан шу образ асосида амалгашиб, образда шоир ўз ҳис-туйғуларини тавсифлаб ёки худди мусаввирдай тасвирлаб ифодалаши мумкин [5:173].

Дарҳақиқат, ҳар бир бадий шакл тушунчаси ғоявий-эстетик вазифадошликка асосланади. Ҳаётий заруриятнинг рухий-маънавий эҳтиёжга айланиши ички функционал хусусиятлардан келиб чиқади. Э.Воҳидов ижодида бундай хусусиятларни кўплаб учратамиз. Шоирнинг «Замин сайёраси» шеърида инсон ва замин орасидаги мулоқотда жуда теран фалсафий мушоҳадалар умумлашмасини кузатамиз:

– Эй замин!?
Битмайин не ишинг қолган?
Бетиним айланиб жонинг ҳалақдир.
– Сўрма,
Мен шўрликни шу куйга солган –
Тириклик ишидир,
Чархи фалақдир.
Мен на куёшдирман,
На олтин қозик,
Ўлтирсам фалакнинг қошонасида.
Бошлиғим офтобдир,
Парвона бўлиб
Йил бўйи айланмоқ турмушим эрур.
Бу ҳам етмагандай,
Кунда ўгрилиб
Боримни кўрсатиб турмоғим зарур... [2:91].

Шеърда инсон томонидан берилган биргина саволга заминнинг катта ҳаётий мантиққа асосланган сермазмун жавоби ифодаланади. Унинг мазмунига аҳамият берсак, ундаги ҳар бир сатрда табиат қонунлари асосида инсон феъл-фаоляти, характер хусусияти тасвирланган. Зеро, заминнинг ҳасратли нидолари шу қадар аниқ деталлар орқали берилганки, уларда шоирнинг юксак бадий тафаккури, маҳорати акс этади. Шеърдаги «Бошлиғим офтобдир» жумласининг ўзида ернинг куёш атрофида айланиши каби табиат ҳодисасида инсонларнинг ҳаётда амал қиладиган мезонлари ифодаланади. Шеърдаги она-заминнинг жавобида бундай ўринларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Уларнинг барчаси ўзига хос бадий топилмаларда акс эттирилади:

... – Тижорат элига
Аторит посбон,
Хабардор бўлурман унга ҳам сергак
Яшириб не килдим,
Ўзингга аён,
Савдо ахлидан ҳам ошнолар керак.
Зухални зиёрат қилурман ҳар кун,
Ҳосил сайёраси – дўст бўлмай нега?
У менга керакдир
Тириклик учун
Тўрт миллиард болам бор,
Осонмас менга... [3:92].

Ушбу мисраларда ҳам табиат ва инсон қисматидаги ўзига хос мутаносиблик бадий талкин қилинади. Этибор берсак, замин тўрт миллиард боласини бокиш учун Аторид, Зухал, Марс ва бошқа сайёралар билан муроса қилиб яшашга мажбурлигини эътироф этяпти. Энди заминни шунга мажбур қилаётган тириклик эҳтиёжларини бир инсон тақдирига қиёсласак, гўёки шеърда замин сайёрасининг эмас инсон нолаларини тинглаётгандек бўламиз. Бу каби тасвирлар шеърнинг бошқа ўринларда ҳам учрайди:

– Юрак ўйноғидан хастаман дўстим,
Кўксим-у елкамга қўйганман музлар.
Яна мен шўрликка ўкталар муштин,
Узоқ-яқиндаги думли юлдузлар... [3:92].

Шеърда заминнинг нидоси шу тахлит давом этиб, барча сатрларда инсоний эҳтиёж, унинг ҳаёти, тақдири билан дахлдор масалалар ўз аксини топади. Асарнинг охирида эса замин тилидан инсонга қарата шундай хулоса янграйди:

– Сен эсанг беш кунлик
Қиска умрингда
Чеккан заҳматингга қиласан фиғон.
Менинг турмушимни ўйлаб кўргин-да,
Шукр қил, Боқиймас умринг, эй инсон [3:92].

Мазкур шеърда шоирнинг бадий маҳорати шундаки, берилган саволга заминнинг жавоби орқали инсонга унинг ўз ҳаётини кўрсатади. Шеър охирида замин томонидан айтилаётган «Боқиймас умринг, эй инсон» жумласини ҳам кенг маънода тушуниш лозим. Негаки, умр ўткинчи, ҳаёт абадий. Шундай экан, заминнинг қисмати яна бошқа инсонлар, янги авлодлар ҳаётида ўз аксини топиб бораверади.

Эркин Воҳидов билан бўлган суҳбатлардан бирида шоир ўзига берилган саволларга жавоб бераркан, шундай мулоҳаза билдиради: «Шоир аввало ўзининг шахсий ҳаёти йўқ эканлигига тан бериши керак. Шоирнинг дарди – халқнинг дарди. Томчида қуёш акс этганидай, шоир

истеъдод гавҳарида кўринган халқнинг юраги! У ўзининг пинҳоний умрида шу гавҳарни эҳтиёт қилиши керак. Агар ҳар бир сўзи халқнинг, даврнинг нидоси бўлса, у шоир – бахтли» [1:141].

Э.Воҳидов шеърятининг мавзу кўлами ниҳоятда кенг. Шоир ижодида гоҳ инсонни ўй-хаёлларга етакловчи маҳзун, гоҳ ўзининг қайсидир фазилату иллатларини англатувчи фалсафий, гоҳ ҳазил-мутойбага бой бўлган ҳажвий шеърларни кўплаб учратамиз. Уларнинг барчасида фақат Э.Воҳидовга хос бўлган ташбеҳлар, рамзлар ва тимсоллар, қахрамонлар талқинида инсон маънавий оламининг ўзига хос тасвирини кўраамиз.

«Тарбия» деб номланган куйидаги тўртликда шоир ижодига хос бўлган яна бир бадий топилмани кузатамиз. Унда тоға-жиян орасида юзага келган муросани ҳал қилишда отанинг тутган йўли тасвирланади. Шеърда отанинг танбеҳидан ўқувчи ҳам ўғилнинг ҳам тоғанинг феъл фаолиятини турлича англаши мумкин.

Жиян тоғасига «жиннисан» деса,
Ота танбеҳ берди ўғлига секин:

Тоғанг катта одам, каттани эса
Сизлаш керак, ўғлим, «жиннисиз» дегин [2:169].

Шоир ижодига муносабат билдирар экан адабиётшунос С.Мирзаев шундай ёзади: «Эркин Воҳидов ўз шеъриятида шеърятнинг ранг-баранг шакл ва жанрларига мурожат қилади ҳамда ҳар сафар унинг янги-янги намуналарини яратади. Шуниси муҳимки, шоир халқ ва жамият тақдирига тааллуқли жиддий шеърларида ҳам «кулгу мушоиралари»да ҳам воқеа ва ҳодисаларни куруқ баён этиш йўлидан эмас, аксинча, асар ғоясини бадий тарзда гавдалантириш, содда ва образли, ихчам ва теран байтлар яратиш йўлидан боради ва жиддий ютуқларга эришади» [4:194].

Бадий адабиёт инсоннинг қалб кечинмалари, орзу-истакларини ўзида акс эттирувчи ўзига хос санъат экан, шу боис ҳам унда ижодкор эстетик идеали, ўзига хос ҳаёт тарзи ифодаланади. Бу борада, айниқса, шеърят алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Э.Воҳидов лирикасида ранг-баранг шеърый шакллар орқали ҳаётни, инсон умри ва унинг қисматини ифодаловчи, кадр-қимматини улуғловчи бир қанча бадий кашфиёт даражасидаги асарлар яратилди. Уларда шоир ҳар хил мавзу ва оҳангларда ижодий ўзига хослигини намоиш этиб, янги эстетик тамойилларни вужудга келтирди.

Адабиётлар

1. Воҳидов Э. Изтироб. –Т.: «Ўзбекистон», 1990.
2. Воҳидов Э. Орзули дунё. –Т.: «Шарқ», 2010.
3. Воҳидов Э. Асарлар. Ёз ҳарорати. –Т.: «Шарқ», 2015.

4. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт. – Т.: «Шарқ», 2001.
5. Қурунов Д. Шеърятда геометрик изланишлар. // «Шарқ юлдузи», 2011. №3.
6. Ҳаққулов И. Ижод иқлими. – Т.: «Фан», 2009.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек шеъриятида инсон маънавий оламининг бадий ифодаси масаласи тадқиқ этилади. Ижодкор бадий маҳорати хусусида атрофлича мулоҳазалар билдирилади. Мавзу Э.Воҳидов ижоди мисолида ўрганилиб, назарий ва бадий таҳлил натижалари умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема духовного мира и художественного описания в узбекской поэзии. Приводятся различные точки зрения о мастерстве автора на материале творчества Э.Вахидова, а также обобщаются результаты теоретического и художественного анализа.

The article deals with the issues of spiritual world and artistic description in the Uzbek poetry. There are given different points of view about the author's skill on the material of the creative work of E. Vakhidov and the results of theoretical and literary analysis.

1980-ЖЫЛЛАРДАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ ПОЭМАСЫНДА ҚАХАРМАН ОБРАЗЫНЫҢ ЖАСАЛЫҢ ӨЗГЕШЕЛИГИ

(К.Каримов дәретийүшилиги мысалында)

М.Нуржанов - үлкен илимий хызметкер-излениўши

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: лиро-эпик поэма, проблематика, лирик қахрамон, муаллиф образы.

Ключевые слова: лиро-эпическая поэма, проблематика, лирический герой, образ автора.

Key words: liro-epical poem, problem, lyrical hero, image of the author.

Поэма жанры ХХ әсир қарақалпақ әдебиятында белгили орын тутады. Оны изертлеўге С.Ахметов, Ә.Насруллаев, Қ.Султанов, Г.Есемуратов, Т.Мәмбетниязов, Қ.Жәримбетов, Ж.Есенов ҳәм т.б. әдебиятшы алымлардың изертлеў жумыслары белгили үлес болып қосылды [1].

Мақаламыздың тийкарғы изертлеў объекти болған К.Каримовтың поэмалары ХХ әсирдің 80-жылларындағы қарақалпақ лиро-эпикалық поэзиясының раўажланыўында салмақты орны бар. Оның «Жигирмаланшы әсир сазасы», «Мухаббат қыссасы», «Ұатан», «Әсирге барабар бир замат», «Әсир әпсанасы» шығармалары өзиниң идеялық-тематикалық ҳәм жанрлық өзгешеликтери, қахарман образын жасаўдағы өзине тәнлиги менен айрылып турады. Биз мақаламызда шайырдың поэмаларындағы қахарман образын жасаўдың өзгешелигин изертлеўди өз алдымызға мақсет етип қойдық.

К.Каримов поэмаларында урыс ҳәм паратшылық темасы баслы орынды ийелей-ди. Мәселен «Әсирге барабар бир замат» [2] поэмасында бас қахарман образын жасаўда автор II жер жүзлик урыста ерлик көрсеткен жаўынгер Жуман Қарақулов ҳақындағы генерал Малкинниң еске түсириўлерине сүйенген. Онда төмендегидей қатарларды оқыймыз: «Жуман қулашын кең жайып, брустверде жатыр еди. Ол усы жатысында да астан-кестен болған жаў пулемётының уясын көкиреги менен жаппақшы болып атырғандай» [2:71]. Еске түсириўде, сондай-ақ, командирдің душпан пулемётын жоқ етиўди Ж.Қарақуловқа тапсырғаны, жаў бекинисине жақылағанда қойыў думанның серпилеп, қуяштың жарқырап кеткенлиги, алға жылыслаўдың пайдасыз болып қалғанлығы, нәтийжеде Ж.Қарақуловтың қолындағы гранаталар менен жаў бекинисине бойын атқанлығы ҳәм тағы да басқалар жөнинде мағлыўматлар бар. Еске түсириўдеги қахарманлық ҳәрекетке толы мағлыўматлар шайыр К.Каримовқа II жер жүзлик урыс дәуириниң бир ғана моментин көркем шынлыққа айландырыўға тийкар болған. Еске түсириўде сақланып қалған мағлыўматлар жазыўшының көркем қыялының шарықлаўына түртки болған. Нәтийжеде, шайыр жаўынгер Жуман Қарақуловтың мәртлигин, ўатансүйиўшилигин шебер түрде жеткерийге миясар болған. Мәселен, жаў бекинисине қарай еңбеклеп баратырған жаўынгердің ҳалаты оның ишки толғаныслары формасында былайынша бериледи:

...О, Карпат таўлары, өзин мәдет бер,

Жарамыздан тынбай қан ақсын, мейли!

Қара таўлар алып панана бизди,

Аман жеткер жаўдың шебине шекем! [2:72]

Көринип турғанындай, автор қахарманның курамалы шараяттағы ҳалатын оның монологы арқалы жүдә исенимли сүүретлеген. Өйткени, адам баласының өз өмирине қәуип дөнгенде тәбиятқа, Қудайталаға сыйыныўы бурыннан бар нәрсе. Ал әдебий қахарманның өз кураллас досты Саркисянның оққа ушқанын көрип төмендегидей ойларға берилиўи де оқыўшыда үлкен тәсир қалдырады:

...Әх, саған не болды,

Сөйле Саркисян...

Көтере алмайсаң басыңды неге?

Перзентин жойтпасын тағы бир ана,

Әке аман-есен қайтсын үйине,

Өлме Саркисян [2:72].

Жаў бекинисин биргеликте жоқ етиўге жиберилген куралласы Саркисяннан айрылған Ж.Қарақулов буйрықты жалғыз өзи орынлаўға бел байлайды. Әжелге тикке бағып, алға умтылып баратырған қахарманның ишки психологиялық кеширмелери төмендегидей қысқа, тужырымлы, эмоционал тәсиршең қатарлар менен берилген:

...Бәлки улың саған бара алмас аман,

Хош бол, узақтағы үлке таңлары,

Ақ сүтине разы бол, анажан! [2:72].

Демек, К.Каримов урыс дәуириниң қатаң ҳақыйқатлығын көркем ҳақыйқатлыққа айландырыўда шеберлик көрсеткен. Егер де еске түсириўдеги Ж.Қарақулов ҳақындағы мағлыў-матлар курғақ авторлық баянлаўлар менен берилгенде, жаўынгер образы бундай тәсиршең дәрежеге көтеріле алмаған болар еди.

К.Каримовтың «Әсир әпсанасы» [3], «Жигирмаланшы әсир сазасы» [4] поэмалары паратшылықты қорғаў машқалаларына арналған. Сонлықтан да, аты аталған поэмалардағы қахарман образлары да усы машқалаға байланыслы жасалады. Бул шығармалар драмалық поэманың жанрлық тәбиятына сай түрде жазылған. Олардың көркем қурылысында лирикалық ҳәм драмалық элементлер бир-бирине сиңисип кеткен. Мәселен, «Әсир әпсанасы» поэмасының композициясына итибар берейик. Онда автордың кирис сөзи ҳәм жуўмағы бар. Олардың арасында Иблис пенен Эгоисттин, Эгоист пенен Президенттин диалогы берилген, сондай-ақ үй қурыўшы, ҳақ нийетли адамзат ўекили, автор қусаған субъектлердің сөзлери менен де тәмийинленген. Шайыр атлары аталған поэмаларды жазыўда